

БУХОРО ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги ПҚ-2545-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ташкил этиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги ПҚ-2545-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги ПҚ-2545-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

вилоят иқтисодиёт тармоқларининг 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари 1-иловага;

асосий муҳандислик тармоқлари ва технологик ускуналарни, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини худудлар бўйича 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукамал ва жорий таъмирлаш топшириқлари 2-4-иловаларга;

асосий ёқилғи энергетика ресурслари, техник-туз тайёрлаш ҳамда худудлар бўйича бюджет соҳаси ва аҳоли эҳтиёжлари учун кўмир, суюлтирилган газ ва газ баллонлари етказиб бериш жадвали 5-иловага;

вилоят ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқлари ва кўп қаватли уй-жойларни 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси таркиби 6-иловага;

1991 йилга қадар қурилган кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш ишларини назорат қилувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби 7-иловага;

вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли уй-жой фондини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича туман ва шаҳарлар ҳудудий дастурлари ижросини назорат қилиш учун бириктирилган ишчи гуруҳлар рўйхати 8-иловага;

вилоят ижтимоий соҳа объектларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича дастурлар ижросини назорат қилиш учун соҳаларга бириктирилган ишчи гуруҳлар таркиби 9-иловага;

вилоятда муҳандислик коммуникация тизимларини 2016/2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича дастурлар ижросини назорат қилиш учун соҳаларга бириктирилган ишчи гуруҳлар таркиби 10-иловага;

вилоят ҳудудидаги чекка ва табиий газ билан таъминлаш муаммоси бўлган аҳоли яшаш пунктларида истиқомат қиладиган оилаларни ҳамда иқтисодиёт тармоқларини кўмир ёқилғиси билан таъминлаш ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур ишчи гуруҳлар раҳбарлари ҳар ҳафта йўналишлари бўйича белгиланган тадбирлар ижроси тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсинлар.

3. Вилоят ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқлари ва кўп қаватли уй-жойларни 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссиясининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

чора-тадбирларда белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш, мазкур йўналишда вилоят корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

қаттиқ ва суюқ ёқилғи ҳамда техник тузи заҳираларининг яратилишини назоратга олиш;

уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш даврига тайёрлаш масаласида туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, вилоят корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, уларнинг қатъий жавобгарлигини талаб қилган ҳолда фаол ишлашини ташкил этиш;

чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича мониторинг юритиш, ижросини жойида мунтазам ўрганиб бориб, комиссия йиғилишларида муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни белгилаш.

4. Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда вилоят коммунал хўжалиги корхоналари ва ижтимоий соҳа раҳбарлари билан биргаликда биринчи навбатда 2015/2016 йиллар куз-қиш даврига юзага келган муаммолар ва йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилган ҳолда коммунал хўжалиги тармоқларининг 2016/2017 йилларда барқарор ишлашини таъминлаш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиб, ижросини таъминласинлар;

шахсан ўзлари раҳбарликларида ҳудудий комиссияларни ташкил этиб, 2016/2017 йиллар куз-қиш даврига тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан зарурий чораларни кўрсинлар;

ижтимоий соҳа объектларининг тайёргарлигини баҳолаш бўйича ҳар бир соҳа фаоллари иштирокида жамоатчилик кенгашларини тузсинлар;

чекка ва табиий газ билан таъминлаш муаммоси бўлган аҳоли яшаш пунктларида истиқомат қиладиган оилалар кесимида кўмир ёқилғиси ва суюлтирилган газ билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, бу борадаги шартномаларни расмийлаштириш ишларини назоратга олсинлар ҳамда молиялаштириш масаласини ҳал қилсинлар;

ҳудуддаги мавжуд кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини хатловдан ўтказиш ишларини ташкил этиб, бир ҳафта муддатда ҳар бир уйни куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш тадбирларининг ишлаб чиқилишини таъминласинлар;

ҳудудий дастур ижросини комиссиянинг йиғилишларида муҳокама қилиб, маълумотларни вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсинлар.

5. “Бухоро электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (Р.Маматов), “Ғарбгазтаъминот” унитар корхонаси (Ш.Сатторов), вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси (А.Каримов), вилоят “Иссиқлик манбаи” акциядорлик жамияти (Ж.Усмонов) ва “Бухороэнергомарказ” очик акциядорлик жамиятлари (А.Қараев) га:

корхона балансидаги тармоқ ва иншоотлар билан бирга истеъмолчиларни таъминловчи умумий тизимни қайта хатловдан ўтказиб, куз-қиш даврига тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

тадбирлар кесимида ишлар жадвалини тайёрлаб, амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ҳафталик маълумотларни вилоят ҳокимлигига тақдим этиб бориш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими (М.Даминов), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Ҳ.Қобилов), соғлиқни сақлаш (И.Амонов), маданият ва спорт ишлари (Ў.Рашидов) бошқармаларига:

туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда муассасаларни қайта хатловдан ўтказиб, объектлар кесимида таъмирлаш ва тиклаш ишлари хажмлари ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаб олиш;

муассасаларда тадбирлар асосида амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ҳафталик умумлаштирилган маълумотларни вилоят комиссиясига тақдим этиб бориш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 14 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги ПҚ-2367-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ташкил этиш ҳақида”ги 256-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxogo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

М.Эсанов